

XVIII ВА XIX АСР БИРИНЧИ ЯРМИ ҚЎҚОН АДАБИЙ МУҲИТИГА БИР НАЗАР**Комилхон Бокиев**

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи таянч докторантни

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6788242>

Аннотация. Бу мақолада VIII ва XIX аср биринчи ярми Қўқон адабий муҳитида яшаб ижод қилган шоир Хўжсаназар Гоибназар ўғли Ҳувайдо (1704-1780)нинг ижоди манбалар асосида ўрганилган. Ҳувайдо ижодига олимларнинг илмий баҳсларига муносабат билдирилди. Бу давр ҳақидаги маълумотлар манбалар, ва илмий мақолалар ва тадқиқот асосида илмий таҳлил қилинди. Ўз даврининг етук шоири бўлган Ҳўжсаназар Гоибназар ўғли Ҳувайдо ижодининг тарқалиши аниқланган.

Калим сўзлар: Қўқон адабиий муҳити, қўлёзма, тошибосма, мажсума, адабий муҳити, девон, тазкира, қиёсий, тасаввуф, даҳрий, матнишунос.

ВЗГЛЯД НА КОКАНСКУЮ ЛИТЕРАТУРНУЮ СРЕДУ XVIII И ПЕРВОЙ ПОЛОВИНЫ XIX ВЕКА

Аннотация. В данной статье на основе источников исследуется творчество поэта Ходжсанзара Гойбназара сына Ҳувайдо (1704-1780), жившего и творившего в литературной среде Кокана в VIII и первой половине XIX веков. На работу Ҳувайдо отреагировали на научные дебаты ученых. Информация об этом периоде подвергалась научному анализу на основе источников, научных статей и исследований. Определено распространение творчества сына Ходжсанзара Гойбназара Ҳувайдо, который был зрелым поэтом своего времени.

Ключевые слова: коканская литературная среда, рукопись, литография, комплекс, литературная среда, деван, тазкира, сравнительный, мистицизм, исторический, текстуальный.

A LOOK AT THE KOKAN LITERARY ENVIRONMENT OF THE 18TH AND THE FIRST HALF OF THE 19TH CENTURY

Abstract. In this article, the work of the poet Khojanazar Goibnazar son of Huvaido (1704-1780), who lived and created in the Kokan literary environment in the 8th century and the first half of the 19th century, is studied based on the sources. Huvaydo's work was reacted to the scientific debates of scientists. Information about this period was scientifically analyzed on the basis of sources, scientific articles and bans. The spread of the work of Khojanazar Goibnazar's son Huvaido, who was a mature poet of his time, has been determined.

Key words: Kokan literary environment, manuscript, lithograph, complex, literary environment, devan, tazkira, comparative, sufism, dahri, textual scholar.

КИРИШ

Адабиётимизнинг бу даври Истиқлолдан олдин ҳам, кейин ҳам олимлар ўртасида илмий баҳс мунозараларга сабаб бўлган. Шўролар замонида рус шарқшуноси М.Ф. Гаврилов “Среднеазиатский поэт и суфий Ҳувайдо” тадқиқоти ва бир қатор ўзбек олимларининг илмий ишларида ўз аксини топган. Гавриловнинг бу давр ҳақидаги асосий хулососи тасаввуфий гояларнинг ўзбек адабиётига тақлидий таъсири сифатида баҳолайди. “Ўрта Осиё ялтироқ турк адабиётининг ички мазмуни масаласига келсак, бу адабиёт ўз

табиатига кўра ҳам шакл, айниқса сюжет жиҳатидан фавқулодда ва ҳайратланарли даражада бир хилдир. ” [1; 22]. Ўзбек адабиётшуносларидан В. Зоҳидов, В. Абдуллаев, А. Қаюмов, А. Худайбердиевлар ҳам мазкур даврнинг илмий муаммолари ҳақида ўз муносабатларини эълон қилган. Бу даврда яшаб ижод қилган шоирлардан бир Хўжаназар Фоибназар ўғли Ҳувайдо (1704-1780). Шоир ижодинининг ўрганилишини бугунги кунда иккига бўлиш мумкин. Биричиси, Шўролар замонасининг қўзи билан “даҳрий шоир”. В. Зоҳидов ўша давр мафкурасига мос равишда “Шоми Ғаріб”, “Шаккок ва Исёнкор шоир” [2] мақолаларини эълон қилган. Ўзбек олимни ҳам Гавриловдан ўтиб шоир ижодига холис баҳо бера олмаслиги тайин эди. Бу даврда шоирларнинг “даҳрий” лигини исобтлаган ҳолатда ижодини эълон қилиш ва манбаларни асрар қолиш мумкин эди. Буни шоирнинг ўз тилидан донишларга хос бўлган тафаккур тарзи орқали англашимиз мумкин:

Киши бўлмаса маънидан хабардор,
Ани одам дема, де нақши девор [3].

Шоирнинг бу назмий фикларини англаш учун ирфон соҳибларига макон ва замоннинг таъсири аҳамиятсиз. Истиқлол шарофати билан бугунги кунда шоирлар ижодига холис ва илмий танқидий ёндашиш имкони туғилди. Иккинчи давр Истқилол даврида амалган оширилган тадқиқотлар. Жумладан, Раҳмонқули Оризабековнинг ўзбек адабиёти тарихи, Нусратулла Жумахўжа Ҳувайдо меросининг маънавий-маърифий моҳияти номли ишларида шоирнинг қисқача таржимаи ҳоли ҳамда адабий мероси ҳақида нисбатан кенгроқ маълумотлар мавжуд.

МАВЗУГА ОИД АДАБИЁТЛАРНИНГ ТАҲЛИЛИ

XVII-XIX асрлар ўзбек адабиётини тадқиқ ва таҳлил қилиш Истиқлол йилларида адабиётшунос ва матншунос олимларнинг диққат марказида бўлди. С. Ҳасанов “Роҳати дил” [4], Н. Жумахўжа [5], К. Рўзматзода [6], Академик А.П. Қаюмовнининг “Қўқон адабий муҳити”, Пўлотжон Домулла Қайюмийнинг “Тазкираи Қайюмий” асарларида Қўқон шоирларининг бир қанчаси зикр қилинган. Натижада зикр қилинган шоирлар ижодини қўлёзмалар билан қиёсий ўрганишга эҳтиёж туғулди.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

XVII-XIX асрлар ўзбек адабиётини, яъни Қўқон адабий муҳитидаги шоирлар ижодини қўёзма, тошбосма манбалар ҳамда амалга оширилган тақиқотлар асосида ўрганиш адабиётшунослик ва матншуносликда муҳим аҳамиятга эга. Шоирлар ижодига холисона ёндашиш имконини беради. Бугунги кунда илм майдонидаги турфаликларга барҳам берилади.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР

Ҳувайдонинг ижод қилган даври Ўрта Осиё хонликларга бўлинниб кетган даврга тўғри келса ҳам тарқалиш майдони ниҳоятда кенг бўлган. Илмий изланишларда бу ўз тасдигини топган.

“Ҳувайдонинг асарлари халқ орасида машҳур эди. Қашғар, Ёркент, Оқсув, Хўтсан, Балх, Бухоро, Хоразм, Фарғона вилоятларида кенг тарқалган. Ҳувайдо устозлари гояларини, дунёқарашини тасдиқлаган, такомилига етказган шоирдир. Унинг асарларида Навоий, Машраб, Сўфи Оллоёр каби ижодкорларнинг таъсири яққол кўриш мумкин.”

“XVIII асрда яшаб ижод этган машхур шоирлардан бири Хўжаназар Ғойбназар ўғли Ҳувайдодир. Унинг ҳаёти ва ижоди йўли ҳақида жуда кам маълумотлар илмий тадқиқотлар яратилган. [7; 227-бет]”

Бу даврнинг ўзбек адабиёти тарихида тутган ўрни ва аҳамиятли жиҳати шундаки, салафларига издошлигида. Адабий муҳитини, яъни ижодкорлар ижодини чуқурроқ ўрганиш учун манбалар ўрни бекиёс. Қўлёзма манбаларни илм аҳлига тақдим қилиш орқали Хўжаназар Ғойбназар ўғли Ҳувайдо каби ижоди кам ўрганилган шоирлар адабий меросининг кўлами илмий жамоатчиликка маълум бўлади. Бой илмий хазинада тадқиқот ишлари олиб бориш ўз даври ҳақида илмий хulosалар чиқариш ва кейинги тадқиқотлар учун кенг йўл очади. Танқидий ва таҳилий изланишлар олиб бориш бугунги давр матншунослиги ҳамда адабиётшунослигининг муҳим вазифаларидан саналади. Ўзбек мумтоз адабиётидаги тасаввуфий дунёқараш ва шеъриятидаги ирфоний тафаккур тушунчалари Ҳувайдо ижоди учун ҳам муҳим. Адабиётшунос олим Бегали Қосимов Ҳувайдонинг ижодига етарлича баҳо берган. “Шеърлари ҳалқ орасида жуда машхур бўлган. Ҳувайдо ахлоқий-дидактик йўналишдаги мазмунан теран, услубий гўзал асарлари билан адабий мактаб ярата олган шоирdir [8; 216-217-бет]”. Сўфи Оллоёр каби Ҳувайдонинг ижоди ҳам ҳалқ орасида ўқимишли бир адабиёт айланган. Тили ва мазмуни жиҳатдан туркий ҳалқлар учун жуда-ждуда манзур бўлган. М.Ф. Гавриловнинг “фавқулодда ва ҳайратланарли даражада бир хилдир”, деб қилган таҳилидан Ҳувайдо ижоди юқори даражада туради.

“XVIII асрда Кўқонда яратилган ёзма адабиёт намуналари ҳозирча жуда кам топилган. Фақат Кўқон тарихига оид қўлёзма китобларда гоҳо айрим шоирларнинг таърих-шеърлари учраб қолади. Ана шундай жуда оз, аммо характерли маълумотлардан фойдаланиб, бу даврдаги ёзма адабиёт ва унда мажуд бўлган қарама-қаршиликлар тўғрисида озига бўлса ҳам тушунча ҳосил қилиш мумкин [9; 38-бет]”. Академик А. Қаюмовнинг Мазкур давр ҳақидаги илмий таҳилидан ҳам кўриниб турибдики “характерли маълумотлардан фойдаланиб.....” илмий хulosалар ва ечимлар қилиш ва давр адабиётига холисона баҳо бериш зарурати ўзбек адабиёти учун муҳим. М.Ф. Гавриловнинг “XIX асрнинг охирги йилларига қадар Ўрта Осиёнинг бепоён худудида ёйилиб кетган тасаввуф ғояларининг бутун адабиётга сингиб кетиши натижаси сифатида англаса бўлади.” деб берган баҳосида сиёсий қараш ҳамда бир ёқлама баҳо бериш анлаш у даражада мушкул иш эмас. Ҳалқимизнинг миллий адабиёти ва менталитетидан келиб чиқиб баҳо берилса “бутун адабиётга сингиб кетиши...” ни холсона баҳоласа бўлади. Шоирнинг ўзи айтгандай унинг дардин ва давосини топувчи табиби тушунмоқ даркор.

“Бу манинг дардимга, эй дилбар, табиб даркор эмас,

Эй, санинг дардинг табиб, кулли дардимга даво.

Шоирнинг ижоди холис илмий баҳосини олса ўша давр адабий муҳити ва “санинг дардинг табиб...” дардга табиб ҳам топилади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Хуллас, “XVII-XIX асрлар Кўқон адабий муҳити ўзбек адабиётида муҳим бир давр давр эканлиги илмий жиҳатдан аниқланди. Бу давр ва адабий муҳитини тадқиқ қилиш жараёнида юқорида келтирилган олимларнинг илмий қарашларига таҳлилий ва танқидий баҳо берилди. Салафларга пайравлиги ва адабиётдаги аҳамият ҳақида илмий хulosalari

қилинди. Тасаввуфий дунё қараш шунчаки тақлид бўймасдан ижтимоий ҳаётга кенг қамровли кириб боргани аниқ далиллар асосида исботланди. Гавриловнинг адабиётимиз ҳақидаги қарashi “фавқулодда ва ҳайратланарли даражада бир хилдир.” каби қуруқ шаклий ўшашлик эмас. Салафларга издошлик ва халқнинг маънавий дунёсини юсаклтириш учун астойдил хизмат қилган ва бугунги кунда ҳам хизмат қиласиган адабиётимиз тарихида адабий муҳит шаклланган бир даврни ўз ичига олади.

Адабиётлар:

1. Гаврилов М.Ф. Среднеазиатский поэт и суфий Хувайдо.- Каз-гиз, Ташкент, 1927.- 22 С.
2. Зоҳидов В. Ўзбек адабиёти тарихидан.- Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1961 й. 5-6 бетлар.
3. Ҳувайдо. Танланган шеърлар. Тошкент. Ўз. Давлат бадиий адабиёти нашриёти, 1961 й., 96-6.
4. Ҳасанов С. Роҳати дил. Тошкент.- А. Қодирий номидаги халқ нашриёти, 1994 й.
5. Жумахўжа Н. Шарқ юлдузи //1998-yil, 4сон.
6. Рўзматзода Қ. Роҳати дил, Иброҳим Адҳам. Тошкент.- “Наврўз”, 2011 йил.
7. Жумахўжа Н. Ҳувайдо меросининг маънавий-маърифмй моҳияти.Т.: 1995 йил.
8. Қосимов Б. “Ҳувайдо”. “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти”, Тошкент: 14-том, 216-217-бетлар.
9. Қаюмов А. Қўқон адабий муҳити. Фанлар академияси нашриёти. Т.: 1961.- 38-бет.